МУСОБАҚА САМАРАСИ

Яхши гапнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Республикадаги 4 илғор саноат корхоналари ишчиларининг беш йиллик топшириқлари ва 1970 йил планини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган ташаббусига пластмасса буюмлари заводининг коллективи ҳам якдиллик билан қўшилган эди. Ишчилар бирин-кетин беш йиллик шахсий топшириқлари бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Куни кеча эса заводнинг энг йирик электр-йиғув цехи ишчилари меҳнатда яна бир катта зафарни қўлга киритдилар.

Ҳа, корхона электр-йиғув цехининг аҳил коллективи йил бошидан ишни меъёрида ташкил этиб, фойдаланилмаётган резервларни ишлаб чиқаришга жорий қилди. Цех коллективи 1970 йил топшириғини муддатидан илгари адо этди. Мана, 2 ярим ойдирки, меҳнатсеварлр 1971 йил ҳисобига ишлаяптилар.

Шу давр ичида давлатга планга қўшимча равишда ярим миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот топширилди. Айни кунларда эса цехнинг 150 дан ортиқ ишчиси 1971 йилнинг 2-квартали ҳисобига меҳнат қилаётир.

Вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган фидокорлар иш суръатини тобора ошириб, маҳсулотнинг сифатли бўлишини ўйлашаётир. Улар бутун имкониятлардан фойдаланиб, тежамкорлик ва самарадорлик учун бошланган юришда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Мўмай даромад

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи юбилей йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятдаги шартномаларни бажаришга содиқ бўлиб қолмоқда. Улар айниқса иқтисодий тежамкорлик борасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Корхона рационализаторларининг ярим йиллик иш фаолияти ленинча беш йиллик жамғармасига тўрт юз минг сўм қўшиш билан якунланди. Шунингдек, корхонада икки юз олтмиш тоннадан зиёд қора металл 6 тонна алюминий тежалди ҳамда қўл меҳнатининг механизациялаштирилишидан икки юз етмиш минг соат иш вақти тежалди.

15-цехнинг рационализаторлари энергетик В. Васильев, механик А. Аксенов, цех бошлиғи И. Машченко, унинг ёрдамчиси В. Ситниковларнинг ижодий ташаббуси туфайли қирқ минг сўм тежалди.

Корхонада ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, технологияни яхшилаш, иқтисодий кўрсаткичларни оширишда бошқа цехлардаги рационализаторлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, учинчи цех техника бюросининг бошлиғи И. Маярович, 27-цех мастери И. Сказко, 15-цех технологи Г. Ленченко, шу цехнинг станокчиси В. Мартикенко, тайёрлов базасининг бригада бошлиғи П. Злобинларнинг киритган қимматли таклифларидан мўмай фойда олинди.

● *Шу кунинг интервьюси*

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

Куни кеча шаҳримиздаги офсет фабрикасининг коллективи Туркманистон ССРнинг бюртмасини бажарди. П. А. Азимов ва А. А. Гурбанов ўртоқларнинг биринчи синф ўқувчиларига мўлжалланган дарслиги тайёрланди.

— Ҳар хил бўёқлар билан туркман тилида чиқарилган бу дарслик 62 минг нусхада нашр этилди, — дейди мухбиримиз билан бўлган суҳбатда фабрика директори С. Тоиров. — Ҳозир дарсликлар ортилган кентейнерлар қардош республикага юборилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, дарсликлар нашр этиш, шунингдек, янги ўқув йилига ўқув қўлланмаларини чиқариш бу йил жуда қисқа муддатда бажарилмоқда.

Биринчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган Қ. Қосимов ва С. Фузанлов ўртоқларнинг эксперименталь ўқиш китоби «Ўқитувчи» нашриёти буюртмаси бўйича 350 минг нусхада босиб чиқарилади.

Яқинда: «Зоология ва Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами» ўқув қўлланмаси ҳам нашрга тайёрланди.

Бундан ташқари, қисқа вақт ичида Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Арманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР мактаблари учун мўлжалланган қатор дарсликлар учун муқовалар ва иллюстрациялар тайёрланиб буюртмачиларга юборилди.

Корхонамиз коллективи янги ўқув йилида ўқувчиларнинг керакли дарсликлар ва қуроллар билан таъминланишида ўз ҳиссасини қўшади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
11 ИЮЛЬ 1970 й
ШАНБА
№ 162 (1230).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Муҳаррам Аҳмедова. У шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехида ишлаб кунлик нормасини ортиғи билан адо этмоқда.

М. Нуриддинов ва И. Шоинағомов фотоси.

● *Эртага—балиқчилар куни*

СУВ ЗАҲМАТКАШЛАРИ БАЙРАМИ

Эртага — балиқчилар куни. Бу кун бешинчи бор байрам қилиб нишонланмоқда. Балиқчилик саноати кейинги йилларда ўзининг қудратли моддий-техника базасига эга бўлган ҳозирги замон индустриясига айланди. Мамлакатимиз балиқчиликни ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Утган йилдан бошлаб балиқчилик саноатини планлаштириш методикаси ўзгарди. Эндиликда, мамлакат бўйича тутилган умумий балиқ эмас, балки сўм ҳисобида тайёрлаб чиқарилган балиқ маҳсулотлари асосий кўрсаткич бўлиб қолди. Бу — баликдан тайёрланадиган емишлар ассортиментини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш имконини беради. Беш йиллиқнинг якунловчи йилида балиқчилар бундан буён балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мамлакатимизнинг денгиз, дарё, кўл ва ҳавзаларидаги балиқ заласларини кўпайтириш масаласини ҳал этмоқдалар.

Аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда Тошкент атрофидаги Дамаччи ҳамда Чирчиқ, дарёси бўйидаги балиқчилик хўжаликларининг қўшэётган ҳиссаси катта бўлянти. Бугунги кунда бу хўжаликларда минг ва миллион тонналаб балиқлар етиштирилмоқда.

Дамаччи хўжалиги бу йил шаҳар аҳолисига 550 тонна тирик балиқ етказиб беради.

Сўнгги беш йилликда аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши 1965 йилдагига нисбатан 33 процент ортди. Утган йилнинг ўзидагина йигирма бир миллиард сўмликдан зиёд балиқ маҳсулотлари тайёрланди. Бу йил баликдан тайёрланган озиқ-овқат товарлари 4,7 процент кўпаяди.

Балиқчилик саноати бекиёс ривожланмоқда. Буни биргина мисолда яққол кўриш мумкин. Утган йили мамлакатимизнинг балиқ тутиш флоти жаҳонда биринчи бўлиб балиқни консервалаш-музлатиш траулери билан бойитилди. «Наталья Ковшова» номли бу траулер океанда балиқ тутиш ва уни қайта ишлашга мослаштирилган бўлиб, кунига юз минг банка консерва, тўрт тонна озуқа уни ишлаб чиқара олади ва 20 тонна балиқни музлатади.

СУРАТДА: Дамаччи балиқчилик хўжалиги иккинчи бригадасининг илғор ишчилари (чапдан) Тожибой Тасибоев ва Эргаш Бўрибоев ўртоқлар. Бу балиқчилар ўз хўжаликларида балиқ етиштиришнинг илғор усулларини қўлламоқдалар.

И. Глаберзон ва В. Сиротқин фотоси.

✱ *Скопле меҳнаткашлари делегацияси Тошкентда*

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

...Механик Иван Кереев рулни буриши билан «Ўзбекистон» «зангори кема»си мўъжазгина майдонда тез ва аниқ ҳаракат қила бошлади. Скопле шаҳар меҳнаткашлари делегацияси «Ташсельмаш» заводининг бу пахта терши машинасига юксак баҳо беришди.

2-механика - йиғув цехи. Гуллар, дўстона қўлсиқишлар, ҳамманинг юзида табассум. Учрашувни партия комитети секретарининг ўринбосари С. Носовец очади. Меҳмонларни завод коллективи номидан токарь Т. Саидназаров ва цех бошлиғининг ўринбосари А. Зокиров табриклардилар.

Сўнгра югославиялик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Сейсмология институтида, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар.

Кеча Скопле меҳнаткашларининг делегацияси шаҳримиз ҳаёти билан танишувни давом эттирдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Навоий номли адабиёт музейининг ходимлари уларни клиқ ва самимий кутиб олдилар. Музей директори, филология фанлари доктори Х. С. Сулаймонов меҳмонларга бу ерда олиб борилаётган кенг илмий-тадқиқот ишлари ҳақида сўзлаб берди. Коллективда эллик олим бор, улардан уч киши фан доктори, 21 киши кандидат даражасига эга. Коллектив ўзбек классик ва совет адабиёти, халқ оғзаки ижодини ўрганмоқда, ўзбек халқининг маданият ва адабиёт ёдгорликларини тўпламоқда. Музей ходимлари икки йил ичида 45 китоб чиқаришди, улардан айримларини музей директори Х. С. Сулаймонов меҳмонларга тақдим қилди.

Делегация аъзолари музей экспозицияларини эўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Экспонатлар орасида нодирлари ҳам оз эмас, жумладан Навоий қўлёзмаларининг асли, Самарқандининг шойи қоғозига соф олтин билан ёзилган нусхалари ҳам бор (XV асрнинг охирлари).

Музей ходимлари Белградда Навоий ғазаллари тўпламининг қўлёзмаси сақланаётганлигини меҳмонларга хабар қилишганда, улар ўз ватанларига қайтгач уни излаб топиш ва Югославия халқлари тилларига таржима қилишда ёрдам кўрсатиш, шунингдек бутун куч билан Ўзбекистон адабиётшуносларига алоқани мустаҳкамлашга сўз бердилар.

Шу куни югославиялик меҳмонлар Тошкент давлат университетида. Ҳамза номидаги Давлат академик драма театрида, шаҳар мактабларининг бирида ва «Политотдел» колхозида бўлишди.

ИНСТИТУТ БАЗАСИДА

Геология фани тадқиқотлари кўламини кенгайтириш ва гидрогеология илмий ахборотини кенг йўлга қўйишда янги ташкил этилган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг роли каттадир. Бу бирлашма Ўзбекистон гидрогеология трести ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли гидрогеология ва инженерлик геологияси институти базасида ташкил топди.

Янги ташкилот геолог олимлар билан хамкорликда иш олиб боради. Бу ерда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадида келгусида бир неча лабораториялар очилади.

ШОИРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг сиртқи бўлим студентлари ёзги имтиҳон сессиясини Тошкентдаги 144-мактабда ўтказмоқдалар. Яқинда мактабнинг катта залида студентлар шоирлардан Миртемир, Акмал Пўлат, Енғин Мирзо, Туроб Тўла ва Зулфия билан учрашдилар.

Учрашув шоир Туроб Тўланинг 50 ёшга тўлганлигига бағишланди. Шоирнинг ижодий фаолияти ҳақида шоира Зулфия студентларга батафсил гапириб берди. Сўнгра сўзга чиққан Миртемир, Акмал Пўлат, Енғин Мирзо, Ўткир Рашид, институт ўқитувчи ва студентларидан бир қанчаси юбилярни табриклашди ва ўз шеърларидан ўқиб беришди.

● БЕШ КУНЛИК ВА ДАМ ОЛИШ

ЯХШИ ДАМ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

300 ОИЛА ИССИҚКЎЛДА

Бугун

ЭНГ ИЛҒОР МАШИНАСОЗЛАРДАН 60 КИШИ АРНАСОЙ КЎЛИ ТОМОН ЙЎЛ ОЛИШДИ. ИШЧИЛАР У ЕРДА БАЛИҚЧИЛАР БАЙРАМИНИ ГАШТЛИ ЎТКАЗИШАДИ, ЕЗ ОФТОБИДА ЯЙРАШАДИ.

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллективи фидокорона меҳнатдан сўнг дам олишни намунали уюштиряпти.

Шу кунларда, 300 оила аъзолари билан заводнинг Иссиққўлдаги дам олиш пансионатида меҳнат гашти — отпускани мароқ билан ўтказишяпти. Бундай группа бўлиб дам олиш август ойида ҳам бўлади.

Бундан ташқари, республиканинг энг хушманзара жойлари — Чимёнтоғи ён бағирларида ва Арнасой қирғоқларида «Ташсельмаш» маркази қўйилган чодирлар қад кўтарган. Юзлаб ишчилар бу ерда икки кун ҳордиқ чиқариб қайтишади.

Касаба союз комитети ишчиларга икки ҳафталик дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариш учун бепул путёвка беради. Жумладан, Троицкий, Кумушкон, Обираҳмат, Бурчмулла ва Қибрай дам олиш зоналарида юздан ортиқ машинасоз ором оляпти. Ҳозиргача 800 га яқин машинасоз ҳордиқ чиқарди.

Шаҳарда қолган ишчилар ҳам дам олишни кўнгилдагидек ўтказишяпти. Завод клубида шанба ва якшанба кунлари ўйин-кулги кечаси ташкил қилинади. Бир кун яхши дам олсанг, ўн кун баракали ишлайсан, дейди халқимиз. Шунга жавобан, завод машинасозлари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар беш йиллик топшириғини 15 декабргача бажариш учун курашаяпти.

Машинасозлар фарзандлари ҳам ёз гаштини мароқли ўтказишяпти. Ҳозир 320 қизил галстуклилар Чимёндаги «Пионер Востока» лагерида ором олмоқдалар. Келгуси сменада яна шунча кичкинтойлар мириқиб қайтадилар.

«ЗАНГОРИ КЎЛ» ЧОРЛАЙДИ

Бугун

Янгийўл яқинида жойлашган «Зангори кўл»да мириқиб дам олиш учун сут комбинати ишчиларидан бир группаси жўнаб кетишди. Ҳар галгидай, улар яйраб дам олишади, балиқ овлашади.

Комбинатда ишчиларнинг самарали меҳнатдан кейин гаштли дам олишига катта эътибор бериляпти. Яқинда, ишчилар икки машинада Бўстонлиқ райони дам олиш зоналарида бўлишди. Ёз мавсуми саёҳат мавсумидир. Шунинг учун ишчилардан 20 киши Кисловодск, Одесса шаҳарларида бепул дам олиб қайтди. Утган ойда комбинат ишчиларидан бир неча киши қардош Руминия ва Болгария республикаларида бўлишган эди.

— Гаштли дам олиш,— дейди комбинат маҳаллий комитет раиси М. В. Рудякова.— планни ортиғи билан адо этганда сингади. Ҳозиргача етти ойлик планни дўндириб қўйдик.

Яқинда, «Икарус» автобусида гўзал Фарғонанинг Шоҳимардон дам олиш зонасига борамиз. Бундан ташқари, Чимён тоғига тез-тез саёҳатлар уюштираяпмиз.

Умуман, маҳаллий комитет икки кунлик дам олишни яхши уюштиришдан ташқари, отпуска олган ишчиларнинг ҳам оиласи билан дам олишига аҳамият беряпти. Масалан, бугун 10 оила Иссиққўл қирғоқларига йўл олишди.

ЗИЛОЛ СУВ ВА ТОЗА ҲАВО БАҒРИГА

Бугун

«Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг ёш нишчи йигит ва қизларидан қатта группаси «Тошкент денгизи»га «Роҳат» қўлига дам олиш учун жўнаб кетди. Улар икки кун давомида зилол сув қирғоқларида яйраб, ҳордиқ чиқариб қайтадилар.

Фирманинг бошқа бир группа тикувчи аёллари Бўстонлиқ районидаги «Искра» пионер лагерида қаникулни кўнгилли ўтказаётган ўз фарзандлари ҳузурига йўл олдилар. Лагерда отаоналарнинг дам олиши учун барча қулайликлар яратилган.

ЗАРБДОРЛАР

38-қурилиш бошқармаси коллективи бу сафар ҳам 9-трестда биринчилар қатори ярим йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт берган эди. Қурувчилар бош пудрат бўйича 2 миллион 516 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажардилар.

Йил бошидан буён бир қатор саноат объектлари, жумладан, керамика буюмлари заводи қурилиб фойдаланишга топширилди. Эндиликда «Юлдуз» фирмасининг янги корпусида сўнгги ишлар бажарилмоқда. Бу объект июль ойи охиригача қабул комиссиясига топширилади. Шунингдек, Ялонгоч посёлкасида механизация ишлаб чиқариш базасининг маиший хизмат кўрсатиш корпуси ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

ЁЗГИ ТАДБИРЛАР

Тошкент шаҳар ЖЭКлари ўқувчиларнинг ёзги каникулига пухта тайёрланиб, кўпгина ҳовлиларда, боғлар ва скверларда ўйин майдонлари ва пионер лагерлари очдилар. Жумладан, иккинчи ЖЭК Чилонзор массивида қўшни мактаблар ва ота-оналар ёрдамида учта лагерь ташкил қилган эди. «Юлдузча», «Космос», «Восток» лагерларида ҳозир меҳнаткашларнинг юзлаб фарзандлари дам оляпти. Ленин районидаги ўн саккизинчи ЖЭК эса кўп квартирали йирик ҳовлилардан 1-Полторацк проездидаги 6-уйда, Павлов кўчасидаги 6-уйда, Т. Шевченко кўчасидаги 26-уйда, К. Цеткин кўчасидаги 58-уйда ва бошқа жойларда ўйин майдончалари ташкил қилган эди. Бу майдончаларда болалар тажрибали педагоглар ва мутахассислар раҳбарлигида рассомлик, ўймакорлик, авиамодель, ўлкашунослик каби тўгаракларда шуғулланяптилар.

«Коммунальник» клуби ҳаваскорлари ўйин майдончаларига ва пионер лагерларига бориб, кичкинтойларни хушнуд этмоқдалар. Клубда сайёр агитбригада ташкил қилинган. Агитбригада ЖЭКда ишловчиларга, истироҳат боғларида дам олувчиларга ҳам хизмат кўрсатяпти. Клуб ҳаваскорлари ва агитбригада қисқа вақт ичида 11, 12, 13, 17, 18, 19-ЖЭКларда ўнлаб корхона ва муассасаларда, пионер лагерларида томоша кўрсатиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонди.



Шанба ва якшанба кунлари шаҳримиздаги Комсомол кўли одатдагидан ташқари гавжум бўлади.

СУРАТДА: Комсомол кўлида.

Т. Каримов фотосн.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК КЕЧАСИ

Бугун Ленин комсомоли номли Марказий маданият ва истироҳат боғида сиҳат-саломатлик кечаси ўтказилади. Боғнинг ҳар қаерида тажрибали врачлар учун жой ажратилган. Сайилга келганларнинг қизиққан саволларига жавоб беришади. Ҳамма баравар қизиқадиган масала — узоқ умр кўришнинг сири ҳақида кинолекция ўтказилади.

Бу кеча Чилонзор район соғлиқни сақлаш бўлими, район санитария маорифи томонидан уюштирилган.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ **КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Монголия халқ-революцион партиясининг Биринчи секретари, МХР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбал ва МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси ўртоқ Ж. Самбуга телеграмма йўллаб, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари номидан шоиси Монголия халқ-революцион партиясини, республика ҳукуматини, қардош монгол халқини миллий байрам — Монголияда халқ революцияси ғалабасининг 49 йиллиги билан самимий табриклашдилар.**

Бугун—сиҳат-саломатлик куни

ҚУТЛУҒ КУН

Р. ҚОДИРОВ,
шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

Меҳнаткашларни н г соғлиғини сақлаш давлат ва умумхалқ ишидир. Бугун медицина ходимлари шаҳар меҳнаткашлари билан сиҳат-саломатлик кунини нишонлашмоқда. Бундан 52 йил илгари — 1918 йилнинг 11 июлида доҳиймиз Ленин соғлиқни сақлаш комиссариатини таъсис этиш ҳақидаги декретга имзо чеккан эди. Бу машҳур тарихий кунни совет кишилари ҳар йили сиҳат-саломатлик тариқасида нишонлайдилар.

Тошкентимизда саноат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, озиқ-овқат объектлари, болалар муассасаларининг санитария жиҳатидан ободонлаштириш соҳасидаги ютуқларини жамоат кўригидан ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу кун меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш учун кенг профилактика ишларини ўтказишга, уларнинг санитария-гигиена билимлари даражасини оширишга сафарбар қилиш факторига айланиб қолди.

Инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғи партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди. Меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида ҳозир кўп минг кишилик медицина ходимлари армияси хизмат қилмоқда. Булар халқ орасидан етишиб чиққан шифокорлардир.

Тошкентга 1968-69 йилларда 375 ўринли терапевтик диспансер, 31-поликлиника, Чилонзорда болалар касалхонаси ва бошқалар очилди. Ҳозир шаҳар соғлиқни сақлаш ишларида медицина ходимлари билан Қизил ярим ой жамиятн активларидан 50 минг киши фаол иштирок этмоқда. Октябрь, Киров, Чилонзор районларида 50 дан ортиқ жамоатчилик асосида ишлайдиган медицина пунктлари бор. Булардан «Илғор», «Ўзган» «Октябрь 40 йиллиги» маҳаллаларидаги медицина пунктлари энг намунали пунктлардир. Бу жойларда 6 ва 10-шаҳар касалхоналарининг энг яхши мутахассислари беморларни қабул қилади.

Аҳолининг санитария маданиятини ошириш учун 31 та сиҳат-саломатлик университети ва ишчи клублари ташкил қилинган.

Бугун шаҳримизнинг ҳамма Санъат саройларида ва истироҳат боғларида сиҳат-саломатлик куни ўтказилади. Бу анъанавий кунда медицинамизга доир савол-жавоб кечалари, суҳбатлар, юқори малакали врачларнинг энг муҳим консультациялари ташкил қилинган. Шаҳар театрларида медицина темаларида илмий-оммабоп фильмлар намойиш қилинмоқда.

М. Уйғур кўчасидаги 494-дорихона хизматчилари намунали ишлари билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонишган.
СУРАТДА: шу дорихонада сидқидилдан меҳнат қилаётган химик контролёр Насибахон Қодирова.

М. Нуриддинов ва И. Шоиназомов фотоси.

ЯНГИ ФАН ДОКТОРЛАРИ

ЛЕНИН ДАҲОСИ БИЛАН

Тошкент Давлат медицина институтининг илмий кенгаши шу институт доценти А. Қодировнинг «Халқ соғлиғини сақлашда Ленин назариясини Ўзбекистон Совет Социалистик республикасида амалга ошириш» деган темада докторлик диссертациясини тинглади ва уни қизғин маъқуллаб, муаллифга медицина фанлари доктори деган юксак унвон беришга қарор қилди.

Сўзга чиққан расмий оппонентлар: СССР Медицина Академиясининг мухбир аъзоси, мидицина фанлари доктори профессор Б. Д. Петров (Москва), Қирғизистонда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари доктори, профессор А. А. Айдаралиев (Фрунзе), медицина фанлари доктори, профессор А. З. Зоҳидов ва ғайри расмий оппонент, тарих фанлари доктори, профессор А. Ф. Водолазскийлар диссертацияга жуда юксак баҳо бердилар, бу катта ижодий илмий иш медицина тарихи ва соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш фанига қўшилган катта ҳисса эканлигини алоҳида уқдириб ўтдилар.

А. Қодиров узоқ йиллар давомида медицина тарихи ва соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилишда чуқур ва сермазмун иш олиб борган. Хусусан, у, бу фаннинг кераклари ва муҳим соҳаларидан ҳисобланган халқ соғлиғини сақлашда Ленин назариясининг Ўзбекистонда амалга оширилиши ҳақида муҳим натижалар олишга эришди.

Ленин принципларига асосланган соғлиқни сақлаш системаси касалликларнинг олдини олишга қаратилиши натижасида Ўзбекистонда вабо, турли тиф касалликлари, ришта, безгак ва бошқа касалликларни эпидемия ҳолатидан ёки бутунлай тугатишга муяссар бўлганлигини диссертант уқдириб ўтди.

А. Қодиров юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, Ўзбекистонда врачлар, ўрта медицина ходимлари, фармацевтлар, касалхоналар, амбулатория - поликлиникалар, дорихоналар, туғруқ уйлари, хотин-қизлар консультациялари ва бошқа медицина муассасаларининг 1914 йилга нисбатан 1970 йилга қанчалик кўпайганлигини, бу олийжаноб ишда Коммунистик партия ва Совет органларининг катта аҳамият ва ёрдам берганликларини ёркин мисоллар билан кўрсатиб берди.

Диссертантнинг бу катта илмий иши бўйича босмадан чиққан кўпгина мақолалари ҳам меҳнатининг ютуғидир.

У. М. МИРАҲМЕДОВ,
медицина фанлари доктори.

СУРАТДА: Геология ускуналари ремонт-механика заводининг 2-цехидаги илғор токарь, коммунистик меҳнат зарбдори И. Разовский. У кунлик иш нормасини ортиғи билан адо этиб ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИНИНГ ИЛМИЙ НАШРИ

Алишер Навоий машҳур «Хамса»сидаги биринчи достон—«Ҳайратул аброр»нинг илмий-қиёсий тексти Узбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида алоҳида китоб шаклида нашр этилди.

Араб алифбоси асосида нашр этилган бу китобга Узбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган ана шу достоннинг қўлёзмаси асос қилиб олинган. Достоннинг қўлёзмаси Алишер Навоий ҳаётлик чоғидаги хаттот томонидан кўчирилган. Бундан ташқари танқидий-қиёсий материал сифатида достоннинг кейинги нусхаларидан ҳам фойдаланилган. Китобни нашрга кекса олим—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби текстолог Порсо Шамсиев тайёрлаган. Бу кекса олим «Хамса»даги бешта достоннинг ҳам илмий-танқидий текстини тайёрлади. Булардан учтаси босмадан чиқди, қолган иккитаси тез орада нашр қилинади.

Навоий достонларининг илмий-танқидий тексти нашр этилиши улуғ адибнинг ижодини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, жаҳондаги кўпгина мамлакатларда бўлган шарқшунослар кенг доираси учун шоир асарлари билан яқиндан танишиш имконини беради. Текстологик тадқиқотлар Навоий асарларини бундан илгари кўплаб нусхада нашр этиш ва қайта нашр этиш пайтида йўл қўйилган хатоларни тузатиш, баъзи бир аниқликлар киритиш имконини ҳам беради.

(ЎзТАГ).

БЎЛҒУСИ ШИФОКОРЛАР

Тошкент Давлат медицина институти республикамизнинг йирик олий ўқув юртларидан бири. Институтда ўнлаб мутахассислар бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Куни-кеча институтнинг даволаш, педиатрия, санитария-гигиена, стоматология факультетлари IV курс студентлари учун ишлаб чиқариш практикаси бошланди.

Студентларнинг катта қисми Хоразм, Сирдарё, Тошкент областлари ва Қорақалпоғистон АССР даволаш муассасаларида ўз назарий билимларини мустаҳкамлаш учун жўнаб кетдилар. Практика Тошкент шаҳри касалхона ва поликлиникаларида ҳам ўтказилади.

Студентлар практикаси 1 августгача давом этади.

СТУДЕНТЛАР ҲИММАТИ

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг барча факультетларида имтиҳонлар поёнига етяпти. Студентлар турли жойларга практикага, пионер лагерларида ишлашга жўнаб кетишяпти. Ҳозир шаҳар ташқарисидаги лагерларда 65 студент пионервожатий бўлиб ишлаяпти. Улар сони яқинда яна кўпаяди. Бундан ташқари, институт студентлари Октябрь райони территориясидаги ЖЭКлар, маҳаллалар ва болалар майдончаларида лагерга бормай қолган пионер ва ўқувчилар билан таълим-тарбиявий ишлар олиб боряптилар. Улар махсус музика, рассомлик ва чизмачилик, ҳайкалтарошлик сингари бир неча тўгараклар ташкил қилишган. Ёз давомида институтнинг педагогика, музика, чизмачилик ва рассомчилик, филология, математика сингари факультетлари студентлари ана шу фойдали ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар ва кичкинтойларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларини таъминлайдилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ЗАВОД ЮБИЛЕЙИ

ҚОБУЛ. Жангалак авторемонт заводи Афғонистон металл ишлаш саноатининг тўнғичидир. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган бу завод ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Завод территориясида тантанали митинг бўлди.

Жангалак заводи, деди корхона директори Сизнай. Афғонистон экономикасини ривожлантириш планларида муҳим роль ўйнайди. Сизнай шу ўн йил мобайнида Афғон ишчилари билан биргаликда завод қурилишида меҳнат қилган ва ишлаб чиқариш планларини бажаришда қатнашган барча совет мутахассисларига самимий ташаккур изҳор қилди.

Шундан кейин сўзга чиққан кон ишлари ва саноат министри Мансурий ҳам совет мутахассислари нинг ишига юксак баҳо берди. Совет мутахассислари Афғон ишчилари билан биргаликда ишлаб чиқариш планларини бажаришда анча муваффақиятларга эришдилар.

Йиллик муносабати билан завод инженерлари, техниклари ва ишчиларнинг катта бир группаси Афғонистон орден ва медаллари билан мукофотланди. Мукофотланганлар орасида совет мутахассисларидан тўрт киши бор.

КОММУНИСТ—КАСАБА СОЮЗ РАҲБАРЛИГИНИНГ АЪЗОСИ

ЛОНДОН. Буюк Британия Коммунистик партиясининг раиси Жон Точер Англияда аъзолари сони жиҳатидан иккинчи ўринда турган касаба союз бўлимларидан бири — машинасозлар ва қуювчилар бирлашган касаба союзининг раҳбари қилиб сайланди. У Манчестер, Аштон ва Стокпортдаги касаба союз ташкилотларига раҳбарлик қилади.

(ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТ Ж. САРАГАТ МАСЛАҲАТЛАШМОҚДА

РИМ, Республика президенти ҳукумат танглигини бартараф қилиш мақсадида сиёсий маслаҳатга киришади. У уч кун мобайнида парламентда вакиллари бўлган барча сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан, шунингдек таниқли давлат арбоблари ва сиёсий арбоблар билан учрашади.

Шу кунларда барча сиёсий партиялар раҳбар органларининг мажлислари давом этмоқда. Бу мажлисларда рўй берган вазият муҳокама қилинаяпти. Италия Коммунистик партиясининг раҳбарлиги мажлис ўтказди.

Ҳар қандай маслакдаги газеталар шарҳчиларининг асосий мавзуи — ҳукумат танглиги ва унинг сабабларидан иборат бўлиб қолди. Тараққийпарварлар матбуоти ўнг сиёсий доиралар инвогарлик мақсадида танглик рўй беришига сабаб бўлди, деб таъкидламоқда. Ана шу инвогарликдан кузатилган мақсад — иш ташлаш ҳаракатига зарба бериш, область вилоят ва жамоатлардаги демократик ҳаётга путур етказишга уриниб кўришдан иборат.

(ТАСС).

ТЎНҒИЧ КОРХОНА ШУҲРАТИ

СОФИЯ. Перник яқинидаги В. И. Ленин номли металлургия заводи Болгария металлургиясин и н г тўнғич корхонасидир. Корхона 1954 йилда биринчи маҳсулотни тайёрлаб берган эди. Уша йили корхона 62 минг тонна пўлат ва 32 минг тонна прокат ишлаб чиқарган эди. Ҳозир ана шу кўрсаткичлар ойлик ҳисоботларга киритилмоқда. Ленин номли завод металлургларга бу йил мамлакатга 1954 йилдагига нисбатан 10 баравар кўп пўлат ва 20 баравар кўп прокат тайёрлаб берадилар.

Перник заводи мамлакат металлургияси кадрларини тайёрловчи ўчоқ ҳам бўлиб қолди. Совет лойиҳаларига мувофиқ қурилган ва советлар мамлакатининг машина-ускуналари билан таъминланган бу завод икки мамлакат халқлари бузилмас дўстлигининг рамзи бўлди. СССРдан келган металлургларг бу заводда ўз тажрибаларини Болгариялик шериклари билан қардошларча баҳам кўришди.

Корхона яқин йиллар ичида асосан юқори сифатли пўлат чиқара бошлайди. Москвадаги «Гипромез» лойиҳалаш ташкилоти корхоналарни реконструкция қилиш лойиҳасини тузиб чиқмоқда. Корхона реконструкция қилингандан кейин юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш 30 процент кўпайтирилади. (ТАСС).



ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Ханойдаги энг йирик «Донг Суан» трикотаж фабрикасида 1600 дан ортиқ ишчи ишлайди.

СУРАТДА: ип йигириш цехида.

В. Соболев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ИСРОИЛГА ҚУРОЛ—ЯРОҒ ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. ЮПИ агентлиги хабар беради: «Женерал моторс» компаниясининг танксозлик заводида тайёрланган «М-109» типидаги йигирма тўртта ўзи юрар гаубица Кливлендда жуда махфий вазиятда Исроилнинг «Этрос» кемасига ортилди.

Автомат қуроллар билан қуролланган соқчилар мухбирларни кемага яқинлаштирмади. Бу ерда ана шу гаубицалар қурол-яроғ етказиб бериш тўғрисида АҚШ билан Исроил ўртасида тузилган битимга мувофиқ Исроилга юборилади, деган фикрни изҳор қилмоқда.

Жўнатилган гаубицалар одатдаги боеголовкали ва ядро боеголовкали снарядларни ота олади. Ҳарбий мутахассислари н н г фикрича, бу гаубицалар Америка армиясида бевосита ёрдам берувчи энг йирик қуроллдир. (ТАСС).

АМЕРИКАГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

СТОКГОЛЬМ. Швециянинг шимолидаги Кируна шаҳрида Америкага қарши намойиш бўлиб ўтди. АҚШнинг Швециядаги элчиси бу ерга келиши муносабати билан Америкага қарши ёзилган шиорларни ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти байроқларини кўтариб олган намойишчилар аэродромга олиб борадиган йўлда, шунингдек, АҚШ элчисининг машинаси кўп полициячилар ҳимоясида ўтган йўлда пикет уюштирдилар. (ТАСС).

Италия. Амальеря шаҳри Италиянинг энг гўзал курортларидан бири.

П. Борисов фотоси.

ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИ

ҚОҲИРА. «Фатх» ташкилотининг партизанлари Галилейдаги исроилликларнинг Қирнат Шимона ва Кафар Соуфайя ҳарбий манзилгоҳларига ракета ёғдирдилар, деб хабар беради МЕН агентлиги партизанлар қуролли кураш қўмондонлиги вакилининг баёнотига асосланиб.

«Фатх» ташкилотининг бошқа бир партизанлар отряди Иордан водийсининг шимолий қисмида жойлашган исроилликларнинг ҳарбийлаштирилган манзилига ҳужум қилган. Ҳужум натижасида бу ердаги бир қанча иморатлар вайрон бўлган.

«Фатх» ташкилоти партизанлари н и н г учинчи группаси Иордан водийсининг шимолий қисмида Сурия чегарасига яқин жойда душманнинг тўпланиб турган ҳарбий юк машиналарини миномётлардан ўққа тутган.

Фаластинликлар қуролли кураш қўмондонлиги вакилининг айтишича, «Фатх» ташкилотидаги мерган партизанлар июлнинг биринчи ҳафтаси ичида Иордан водийси шимолий ва жанубий қисмларида жойлашган Исроилнинг олдинги позицияларидаги солдатларидан 17 кишини йўқ қилганлар.

(ТАСС).

ЮСИС ЖОСУСЛИК ХИЗМАТИДА

Яқинда Ҳиндистон республикасининг ҳукумати Америка ахборот хизматининг (ЮСИС) мамлакатнинг беш штатидаги бўлимларини ёпиб қўйди. АҚШнинг Деҳлидаги элчиси Китингнинг иқтисодий «ёрдам» беришни тўхтатиб қўйиш билан пўписа қилиши ва дипломатик товламачилиги фойда бермади. Марказий разведка бошқармаси республикадаги бир қатор таянч пунктларидан маҳрум бўлиб қолди. ЮСИС бўлимлари ана шу пунктлар эди.

Марказий разведка бошқармаси ЮСИСнинг Ҳиндистондаги бўлимларининг энг дастлабки фаолиятиданоқ жосуслик ва қўпорувчилик қилиш учун фойдаланиб келди. Америка ахборот хизматининг Нью-Деҳлидаги биринчи идорасига учига чиққан жосус, Марказий разведка бошқармасининг катта иш стажига эга бўлган ва разведка ишида тажриба орттирган кадр ходими Кларк Тимберлейк бошчилик қилган эди. Тимберлейк ўша вақтдаги элчи ва йирик разведкачи, кейинчалик ЮСИС директори бўлган Жорж Аллей билан биргa ахборот хизмати деган белги остида разведка маълумотлари тўплашни уюштириб келди. Америкаликларни Ҳиндистоннинг етакчи давлат ва сиёсий арбоблари, улар ўртасидаги ихтилофлар, ҳукуматнинг ташқи ва ички сиёсат соҳасидаги муҳим қарор ва тадбирлари, марказий ҳокимият бирлан Штат маъмурлари ўртасидаги жанжалли масалалар ҳақидаги маълумотлар қизиқтирар эди.

Марказий разведка бошқармасидан келган кишилар жосуслик методларини йилдан-йилга такомиллаштирар ва ўз жосуслик тармоқларини кенгайтириш устида меҳнат қилар эдилар. Ҳиндистонлик публицист Должит Сен Адел ўзининг «Марказий разведка бошқармаси ниқобсиз» деган китобида жосуслларнинг берган маълумотлари ЮСИС ходимларига мақола тарзида топширилар ва бунинг учун «гонорар» тўланар эди, Марказий разведка бошқармасининг ходимлари Ҳиндистон миллий конгресси партияларининг баъзи ўнг арбоблари, фашизм тарафдори бўлган Сватантра, РСС, Жан Сангх партиялари билан яқин алоқада эдилар, деб ёзди.

Разведка маълумотларини тўплаш Ҳиндистондаги ЮСИС бўлимининг бирдан-бир вазифаси эмас эди. У мамлакат сиёсий ҳаётига таъсир қилиш, мустақил давлатнинг ички ишларига аралашишнинг воситаси ҳам эди. Американинг Деҳлидаги элчихонасининг собиқ ходими ва шу билан бир вақтда Марказий разведка бошқармасининг жосуси бўлган Жон Смит ўз китобида ЮСИС вакиллари ахборот министрлигининг амалдорлари, журналистлари билан алоқа ўрнатдилар, улар мукофот эвазига ғаразли мақолаларни эълон қилиб, АҚШ разведкаси учун фойдали қарашларни газеталар онгига зўрлаб тиқиштирдилар. Бундай топшириқларни яхши бажарган журналистларнинг Қўшма Штатларга бепул бориб қайтишлари ташкил этилди, деб ёзади.

Шунингдек, ЮСИС баъзан бутун тексти Америкада ёзилган китоб ва конспектларни нашр этади. Унинг биринчи бетига маҳаллий автор исм-фамилияси қўйилади. Бундай нашрларнинг чет эллик автор имзоси билан чиққан нашрларга нисбатан пропаганда таъсири кўпроқ бўлади, албатта. Марказий разведка бошқармаси ва ЮСИС бундай китобларни нашр қилиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳаражатларни ўз зиммаларига оладилар, деб ёзди.

АҚШ ахборот хизмати Марказий разведка бошқармасининг тавсияси билан халқаро муносабатлар, социал ва иқтисодий масалалар, саноат ва адабиёт масалалари бўйича америкалик «мутахассислар»нинг Ҳиндистонга визитларини уюштириб туради. Улар ёлғиз университет ва колледжлардагина эмас, балки мамлакатнинг йирик амалдорлари, сиёсий ва жамоат арбоблари ўртасида ҳам лекциялар ўқиб, Вашингтонга зарур бўлган таъсирни кўрсатмоқдалар.

Шундай қилиб, АҚШнинг Ҳиндистондаги ахборот хизмати Марказий разведка бошқармаси тўқиган жосуслик ва сиёсий қўпорувчилик тўри ҳисобланади. Ҳиндистонинг бир қатор штатларида ЮСИС бўлимларининг ёпилиши Америка разведкасининг Ҳиндистон ички ишларига андишасизлик билан аралашганлигига қарши мустақил Осиё давлатининг берган муносиб жавобидир.

В. БАННОВ,
АПН шарҳловчиси.

СЕНЕГАЛ.
СУРАТДА: Дакар кўчаларида.

П. Борисов фотоси.

Шанба оқшоми

●СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ОФТОБДА ҚОРАЙИШ ЯХШИМИ?

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! БАЪЗИ БИРОВЛАР «ОФТОБДА ҚОРАЙСАМ ҚИШДА КАСАЛЛИККА ИЎЛИҚМАЙМАН, ОРГАНИЗМ ЧИНИҚАДИ»,—ДЕЙИШАДИ. ШУ ГАП ТЎҒРИМИ? ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ОФТОБДА ҚОРАЙИШ ФОЙДАЛИМИ, ЎЗИ?

А. РАЖАБОВ, ишчи.

ИШЧИ А. Ражабовнинг бу саволи кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Дарҳақиқат, саратон қуёши тафтида ётиш, қорайиш фойдалими?

Кўпчилигингиз Комсомол кўлида, «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғида, «Тошкент денгизида» бўлгансиз. Айниқса, ҳафтанинг шанба, якшанба кунида бу ер кишилар билан жуда гавжум бўлади. Кўпчилик зилол сувда мазза қилиб чўмилиб баданини офтобга солиб ётади. Улар шу тарзда соатлаб қуёш тафтида ўзларини тоблайдилар.

Офтобда қорайиш одам терисида махсус бўёқ моддаси — меланиннинг кўпроқ ҳосил бўлиши демакдир. Бу пигмент терида ҳамиша бир озгина бўлади, терининг ранги ҳам шу моддага боғлиқ.

Қуёшдан тарқаладиган ультра бинафша нурларининг қайта-қайта, оз-оздан таъсир этиши натижасида бадан қораяди. Бу нурлар таъсирида организмда бир қанча фойдали ўзгаришлар юз беради: жумладан, терида Д витамини ҳосил бўлади. Бу витамин қонга шимилиб, суякларда кальций ва фосфорнинг тўпланишига ёрдам беради.

Ультрабинафша нурларда қуёш энергияси бошқа нурларга қараганда кўпроқ бўлади. Ана шу энергия терига сингиб, турли ферментларнинг фаолиятини кучайтиради, шунингдек, терининг янгиланиш процессини тезлатади, яъни нобуд бўлган эски ҳужайраларнинг кўчиб тушиб, янги ҳужайралар билан алмашинишини тезлатади, терининг сиртидаги микробларга қарши чидамини кучайтиради.

Қорайган теридаги меланин моддаси қуёш ёруғлигида кўринувчи ва ультра қизил нурларни ютиб, ичкаридаги тўқималарга ўтказмайди. Айни вақтда, қон айланиш кучаяди ва бадан терлайди. Шу туфайли, одам баданидан ҳавога иссиқни тез тарқатиб, қизиб кетишдан сақланади. Бадани яхши қораймаётган киши дарров қизиб кетади, айниқса саратонда, куннинг иссиқ вақтида офтобда бирданига узоқ ётмаслик керак. Офтобда узоқ ётилгандан кейин бадан тез қорайиши, лекин айни вақтда бадан куйиб, организм зарарланиши мумкин.

Офтобда меъёридан ортиқ ётиш натижасида эски касалликлар зўриқиши, юрак-томир системаси ва меъдаичаклар фаолияти бузилиши, уйқусизлик, асабийлик бошланиши, шунингдек, бадан куйиши, иссиқ элитиши ёки офтоб уриши мумкин.

Рак, ўпка сили, гипертония, юрак касалликлари, қалқонсимон без функциясининг кучайиши, нерв системасининг хасталиклари ва бошқа бир қанча касалликлар бўлганда офтобдан эҳтиёт бўлиш керак.

Иссиқ кунларда эрталаб соат 8-9 лардан 10—11 гача офтобда камроқ ётиш яхши. Бу вақтда ҳаво тоза бўлиб, иссиқлик нурлари камроқ, ультрабинафша нурлари эса кўпроқ бўлади. Офтобда ётишдан илгари соя жойда бир неча марта ётиб, организмни чиниқтириш маъқул: дастлабки уч кунда соядa 10-15 минут ялангоч ётиш керак. Ҳаво булут бўлганда ҳам ультрабинафша нурлар таъсир кўрсатади. Бунда ҳам бадан қорайиши билан бирга куйиши мумкин.

Офтобда биринчи марта 5 минутдан ортиқ ётиш ярамайди. Кейинги кунларда бу муддат ҳар гал 3—5 минутдан узайтирилади, баъзан бир соатга етказилади. Офтобда узоқ ётиладиган бўлса, ҳар 15—20 минутда сояга ўтиб дам олган маъқул.

Офтобда ётганда бошга оч рангли зонт ёки бошқа нарса тутиш керак. Нахорга офтобда ётиш ярамайди. Шунингдек, овқат егандан кейин бир соатга яқин дам олиш лозим. Офтобда ётганда вақт-бавақт ёнбошлаб олиш керак.

Шундан кейин, соядa дам олиш, илиқ сувда ювиниш ёки дарёда чўмилиш керак. Дам офтобда ётиш, дам чўмилиш тавсия этилмайди.

ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР

Олма ёки нок компоти

Олма ёки нокнинг пўстини арчиб, уругидан тозалайсиз. Сўнгра уни паррак-паррак қилиб кесиб, қайнаб чиққан шакарли сувга соласиз. Бундай масаллиқ солинган сув яна 10-15 минут қайнатиб совутилади.

Пўст ва уругидан тозалаб, кесиб қўйилган олма ёки нокингизни то шакарли сув қайнаб чиққунча лимон кислотаси аралаштирган совуқ сувга солиб қўйсангиз қорайиб қолмайди.

Яна шуни ҳам унутмангки, олма ёки нокнинг айрим турлари 10-15 минут қайнашга чидаш беролмай, эзилиб кетади. Олма ёки нокнинг бундай турларини қайнаётган сувга солганингиз ҳамоно уни оловдан олиб қўйсаз ва то сув совугунча идиш қопқогини очмайсиз. Дастурхонга пиёла ёки стаканларда тортилади. Компот учун 500 грамм олма ёки нок, бир стакан шакар, бир литр сув керак бўлади.

Олча билан ўрик компоти

Олча билан ўрикни тенгма-тенглаб, совуқ сувда ювиб юборасиз.

Кострюлькага қанд солиб, бир оз иссиқ сув билан эритгач, совуқ сув қуясиз ва оловга қўйиб қайнатасиз, сўнг меваларни солиб яна бир қайнатгач, оловдан олиб қопқоғи ёпилган ҳолда совутасиз. Дастурхонга тортишдан олдин стаканларга қуйиб холодильникка қўйсангиз ҳам соз бўлади.

Компот учун 200 грамм олча, 200 грамм ўрик, 2 стакан шакар, бир литр сув керак.

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИДА

ТЕМИР ДАРАХТИ

Ҳисор, Туркистон, Зарафшон, Фарғона, Чотқол, Угам тизма тоғларининг денгиз сатҳидан 1800 метр баландликкача бўлган тошли ва шағалли ён бағирликларда тўқдона ёки темир дарахти ўсади. Унинг бўйи 25 метргача бўлади. У июль —август ойларида мева ҳосил қилади ва пишади. Меваси данакчалардан иборат. Мева таркибида шакар, крахмал ҳамда минерал тузлар бор. У жуда таъмли, ширин, уни истеъмол қилса бўлади. Тўқдона ёғочи жуда оғир, сувда чўкади. Ёғочи мустаҳкам, қаттиқ, уни теслик билан кесиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, уни темир дарахти деб атайдилар. Улардан турли мақсадлар учун фойдаланилса бўлади. Айниқсэ, тупроқ эрозиясига қарши курашишда ишлатса бўлади. Уни тоғ олди қисмларидаги, бошқа ўсимликлар ўсиши учун ноқулай бўлган жойларда ўстириш мумкин.

ТОТИМ

Тотим энг яхши баргли ошловчи, зиравор, безакли ўсимликлардан. У бута ёки дарахт, июнь — июль ойларида гуллаб, меваси сентябрь ойида етишади. Ўзбекистонда Ғарбий Ҳисор, Зарафшон тоғ тизмасининг жанубий ён бағирлари ва Тўпаланг дарёсининг соҳилларида кўплаб учрайди.

Тотимнинг меваси ҳар хил таомларга ишлатилса, уларга нордон маза беради. Одам иштаҳасини очиб, овқат ҳазм қилишиниқ тезлаштиради. Унинг мевасида витаминлар, вино кислотаси ҳамда танид моддаси бор. Тотимнинг баргида 25 процентгача танид моддаси бўлади. Ундан терилари ошлаш учун фойдаланилса бўлади. Ўсимликдаги танид модда фармацевтикада танин моддаси олинадиган асосий манба ҳисобланади.

Тотимни бошқа ўсимликлар ўса олмайдиган камсув, камтупроқ ва шағалли жойларда кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳ. ҚАҲҲОРОВ.

«Сенга бир гап айтаман...» Б. Мансуров фотоэтюди.

АЖОЙИБОТЛАР

330 КИЛОГРАММЛИК ОДАМ

Бу одам учун эшиклар тор, стуллар кичик. Ҳайрон қоларлик ери йўқ, ахир Нью Джерсилин Джим Чессининг оғирлиги 330 килограмм. Эҳтимол у дунёдаги энг семиз кишидир. Лекин бу 29 яшар американликни қувонтирмайди. Афсуски, озишга чора йўқ.

Джим озишни синаб кўрди. У кунига бор-йўғи бир бурда нон еди ва бир стакан сут ичди. Лекин шунда ҳам оғирлиги борган сари ошаверди. Врачлар фикрича организмнинг сув молекуляр миқдорида нимадир бузилган ва бунга ҳозирча медицина аниқлашга қучсиз.

(«Техника молодёжи» журналидан).

УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИРИ

Бирмада качинлар қабиласида икки ёш турмуш қурар экан, қишлоқ оқсоқоли уларга қарата «Узоқ яшанглар!» деб фотиҳа берадида, шу ернинг ўзида узоқ яшаш сирини айтиб беради:

«Тошбақадек сокин ўтиринг, каптардек тўғри юринг, итдек қаттиқ ухланг. Шунда қовоқ дарахтидек узоқ яшайсиз». Маълумки, қовоқ дарахти ўртача 200 йил умр кўради.

*Боланинг тили ширин

КИЧИКМАН

— Неъматжон, кичкина челагингда атир гулларга сув қуйиб қўйгин, яна қуриб қолмасин.

— Вой ойижон, мен ҳали кичикман-ку.

— Қачон катта бўласан?

— Эртага.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Олимжон осмонда учиб юрган қалдирғочларни кўриб, акасидан сўради.

— Ака, қалдирғочлар нима ейди?

— Уларми, пашша, чивинга ўхшаган зарарли ҳашаротларни тутиб ейди.

— Кеча ўзингиз, чойимга пашша тушди, деб ичмадингиз-у, қалдирғочлар пашшани еяр эканми?

Ў. ҚОДИРОВ.

●Форс халқ рубоийларидан

ИШҚ ТАРОНАЛАРИ

Ойдин тун ва лекин юраккинам ғаш,
Зим-зиё кечалар дўстимдир яккаш.
Бўйимга севгилим сочи чирмашди,
О тангрим, мумкинми шу ойни ҳайдаш!

* * *

Дерлар: жон бермасанг жонона қайда,
Сохта оҳу-воҳдан айтинг, не фойда!
Мақсад йўлидасан — ёвлар нописанд,
Баднафслик айлама дўстим ҳар жойда.

* * *

Ё қудрати улуғ, менда на гуноҳ,
Мастона кўзлари маст этди, э воҳ!
Биргина мен эмас, аҳли Шарозни
Лол қилган шу оқу, ўзингсан гуноҳ.

У. Юсупов таржимаси.

ҲИКМАТЛАР

Мардлик йигитнинг ҳусни.

* * *

Қаноат қорин тўйдиради,
Сабрсизлик от сўйдиради.

* * *

Томчи томиб битгунча дарё оқиб ўтади.

* * *

Зарра бўлсанг ҳам қалбинг эзгулик билан тепсин.

* * *

Қадрини билган миннатдан қочади.

* * *

Белингга қараб майдонга чиқ.

* * *

Тадбиркор қиз ўрин топар,
Катта уйнинг тўрин топар.

* * *

Тош билан урганни ош билан ур.

* * *

Ўзбек билан тожикнинг йиғласа —
йиғиси бир, куйласа чолғуси бир.

Тўпловчи К. ҲАМРОЕВ.



ИССИҚКЎЛ ОҚШОМИ

(ЭТЮД)

Бепоён уфққа чўзилган кўл устида ботаётган қуёшнинг заррин нурлари ўйнамоқда. Қуёш тоғ ортиқа бош қўйган бўлса ҳам, унинг нурлари қорли чўққиларда акс этади. Оқшом аста-секин ер юзини қоплаб, кундуздан ўз навбатини олаётган соқчини эслатади. Қушларнинг чуғурлаши аста-секин пасаяди. Бутазорлар ичида эса уйқуга ётаётган қирғовуллар ҳамда нимадандир чўчиган қушларнинг чуғурлаши қулоққа чалинади. Ниҳоят, чор атрофни сукунат қоплайди.

Қоронгу тушади. Энди тунги қушлар ва ҳайвонлар овга чиқади. Тулки қирғовулларни излайди. Тустовуқнинг жон ҳолатда қичқириши эса «айёрнинг» қўлига тушиб қолганлигидан далолат беради.

Мана, қамишзор ичидан бўрсуқ чиқди. У ҳам тунги овга йўл олади. Қаердадир қуриган шохча шитирлади. Қундузлар сув ичида ҳушёр тортишди. Кўл бўйида балиқ овлаб ўтирган киши узоқдан қичқирган уккининг товушини эшитди. Бош устидан эса қўршапалак учиб ўтди.

Ниҳоят балиқчилар гулхани ёнади. Иссиқкўл устига сокинлик тушади. Фақатгина қармоқларнинг тез-тез кўтарилиши, сувда ўйнаган балиқларгина тинчликни бузади. Аҳён-аҳёнда кечиккан ўрдаклар тўдаси ўтади. Яна сокинлик. Борлиқ тун қўйнида уйқуга чўмади. Иссиқкўл оқшоми шу қадар лаззатли ва дилрабо.

МАШЪАЛ.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Сабзавотларни буғда димлаб пиширсангиз, улардаги витаминлар ва керакли моддалар яхши сақланиб қолади.

* * *

Сабзавот қанча йирик бўлса, қайнатилганда таркибидаги моддаларни шунча кам йўқотади.

* * *

Олма, беҳи, лимон ва апельсин каби меваларни дастурхонга қўйишдан илгари қайноқ сув билан чайиб юборсангиз, хушбўй ҳиди гуркираб туради.

* * *

Қовун, тарвуз ва ҳўл меваларни егандан кейин сув ичиш тавсия қилинмайди. Иссиқ овқат ва чой ичиш зарур.

* * *

Агар пиёз жуда аччиқ бўлса, уни совуқ сувга бир оз солиб қўйинг. Пиёзнинг аччиқлиги сувга чиқиб кетади.

* * *

Бош пиёз ва луқпар пиёзни кўп еманг. Зарда қайнаш кўпинча шундан бўлади.

Зилол сувда тебраниб турган кўм-кўк барглар кўзга нур бахш этади. Қарангки, табиат қонуни билан нилуфарлар ҳам шундан ҳам ўзра оч пуштиранг нилуфарлар экан, нилуфарлар дилга севинч, жуфт-жуфт бўлиб қўринниб турибди.

Ю. Бутусов фотоси.

ҲАЖВИЯ

Ҳаётни ўрганиш

ЧИЛЛАЛИК куёвман. Келинингиз дидликкина чиқиб қолди. Замонавий. Юриш-туриши, кийиниши жойида. Энг яхши фазилати — вақтни тўғри тақсимлайди.

Масалан, худди қўнғироғи бураб қўйилган соатдек роппа-роса тўқизда уйғонади. Тўққиздан қирқ беш минут ўтгунча тошойна олдида ўтиради. Тароқ билан упани, қалам билан бўёқни шунақаям чаққон ишлатади, шунақаям чаққон ишлатади!

Кейин роппа-роса соат ўнда мени бекатга етаклаб чиқади. Фаросатнинг зўрлигини қаранг. Трамвай ўндан уч минут ўтганда келишигача билиб олган, барака топгур.

Ун яримда унинг ишхонасига — ателье етиб борамиз. Шундоққина биқинида қаҳвахона бор. Уша ерда нонушта қиламиз. Келин деганни қуруқ нон-чой билан боқиб бўлармишми? Устига шира суркалган юмшоқ пироженое бўлмаса, кўнгли тўлмайди. Кейин у ишига кириб кетади. Мен халлослаб Рассомлар союзига югураман.

Роппа-роса соат иккида яна ўша қаҳвахонага етиб боришим керак. Ўртоқларим масхара қилгандай кетимдан қараб қолишади. Кулса-кулаверсин менга нима. Куёв деган келин билан бирга овқатланмаса томоғидан овқат ўтармишми?

Кечқурун ҳам шундай. Роса соат еттида яна ателье йўл оламан. Бир-иккита ғаламислар шуниям гап қилишипти. Бўйдоқлигида биттаяримда ош-пошга қўшилиб турэрди, хотинидан қўрқиб одамгарчиликдан чиқиб қолди дейишипти. Уйинг қуйгур ифвогар-эй нима, ресторанда ош қуриб қолибдими? Келинингиз билан ҳар куни ресторанга кирамиз. Алам қилса ўзинг ҳам хотинингни олиб кир!

Шундай қилиб, ҳар оқшом саккиз яримгача ресторанда ўтирамиз. Кейин киноми, циркми дегандек ўн бир яримда уйга қайтамиз.

Ҳар якшанба қуда-қудағайларникида меҳмондорчилик, ҳафтада бир сартарошхона, икки марта магазин айланиш... Хуллас, келинингиз бу томонларинням қонунлаштириб қўйган, барака топгур.

Ҳаммаси ҳамирдан қил суғиргандай кетаётган эди-ю, чўнтак масаласи чатоқ бўлиб қолди. Масалан, нонуштага икки сўм. тушлик беш сўм, кечки овқат шампан виноси билан саккиз сўм. Кунига ўн беш сўм кетса, ойига канча бўлади. Икковимизнинг ойлигимиз овқатнинг учдан бир қисмига ҳам етмас экан. Бунинг устига кийим-кечак, упа-элик, ҳафтада бир марта капрон пайпоқ олиш дегандек (бу пайпоқ дегани пухтароқ қипиб чиқарса асвакаси кетармикин)...

Тўйдан буён опам уч марта келиб киримизни ювиб кетди. «Дераза-ларнинг чангини қара, ким айтади келинлик уй деб» деди қойиб. Койиса-койиверсин! Энди дераза артэ-ман деб учинчи қаватдан тушиб кетсинмя, келин бечора!

Шундай дейману, опамнинг бир маслаҳати маъқул келиб қолди. Бу кетишда пул етказиб бўладими, рўзгорингни бутлаб ол деди.

Ўтган якшанба дўкондан қозоктовоқ, картошка-пиёз деган нарсаларни сотиб олдим.

Душанба куни тартиб бузилди. Келинингиз мени соат тўққизда эмас еттида уйғотди.

— Туринг, — деди у ширин керишиб, —анави стол устида турган ялтироқ нарсанинг оти чойнак бўлади. Ошхонага чиқиб кранни бурасангиз, сув деган нарса тушади. Кашандасиз, гугурт деган нарсани биласиз. Ушани чақсангиз газ деган нарса ёнади. Беш минут деганда чой деган нарса қайнайди.

Бошимни қашлаб туриб қолдим.

— Шундоқ-ку, лекин буёғи қанақа бўларкин? — дедим бўшашиб.

— Вой, — деди келинингиз чиройли киприкларини пирпиратиб. — Ким айтади Сизни рассом деб, ҳаётни шунақа қилиб ўрганмасангиз, қачон дурустроқ асар чизасиз?

Одам боласи қилолмайдиган иш йўқ экан. Бир бало қилиб чой қайнатиб келдим. Келинингиз биноийдай тошойна олдида ўтирибди. Қўлида тароқ, ҳаракатлари бирам чиройли! Мени кўриши билан шунақаям ширин кулдики.

— Афтингизни қаранг, — деди ойнага рўпара қилиб.

Бундоқ қарасам, ўзимни таниёлмай қолибман. Бир қошим қора, иккинчиси сариқ. Эссиз-эссиз сочларим, ярим куйиб кетибди.

— Майли, ҳаётни ўрганасиз, — дейди келинингиз ҳамон кулиб.

Кечқурун ҳам барвақтгина келдик. Бугун келинингизнинг сартарошхонага борадиган куни эди.

— Прическамни ўзим ҳам қиларамаи, — деди у майинлик билан. — Сиз ошхонага чиқинг. Стол тагида картошка деган нарса турибди. Ушани пичоқ деган нарса билан артасиз, Ёг деган нарсани қозонга солиб қиздирасиз-да, гўшт деган нарсани қовурасиз.

«Оббо! Ҳаётни ўрганиш шунақа бўлса, ўлсин» дейман ичимда. Начора рассомман, ўрганишим керак.

Овқат шўр бўлиб қолган экан, келинингиз дидликкина эмасми, дарров йўлини топди. Сув деган нарсани илитиб, қуйиб юборсам шўрванинг тузи расо бўлар экан.

Энди дам олай деб турганимда яна иш чиқиб қолди. Ванна деган нарсага сув тўлатиб, кўйлак-шимларимни, келининг ич кўйлакларини, «Новость» деган порошок билан ишқаласам тоза бўлармиш. Кейин уни дазмол деган нарса билан текисласам, ҳаётни ўрганармишман.

У бўлди, бу бўлди, ишларим юришиб кетди. Масалан, овқат қилиш, пол артиш, кир ювиш, дазмол қилиш, бозорга тушиш деган нарсаларни ўрганиб олдим. Энг яхшиси ишхонада куну-зун мудрашга кўникиб кетганимни айтмайсизми.

Баҳона билан келинингиз энди ресторанга боришдан қутилди. Фақат ҳар якшанба меҳмондорчиликка бориб туради. Мен бўлсам, уйда қолиб ҳаётни ўрганаман.

Ҳамма нарса силлиқ кетаётган эди-ю, бир кун антиқа иш бўлди. Келинингизни судга чақириб хат келди.

— Бу нима? — деди чиройли киприкларини пирпиратиб.

— Бумм? Бу қоғоз деган нарса бўлса керак, — дедим илжайиб.— Қоғоз деган оппоқ нарсага қалам деган қора нарса билан ариза деган нарсани ёзгандим. Уч бекат нарида суд деган маҳкама бор экан, ўшанга ташлаб келувдим.

Келинингиз нимагадир ўрнидан туриб кетди.

— Вой, нимага, жоним, нимага?

— Нимага бўларди, жоним, — дедим бўшашиб. — Мен рассом деган нарсаман. Ҳаёт деган нарсани ўрганиб олдим. Энди бошқа одамга ўргатасиз.

У. ҲАЛИЛОВ.

●«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ҲАЖВ ДАФТАРИДАН

ШУМ АРОҚ

Кимда ким одат қилиб ичса ароқ,
Усти-бошн юпину, пайпоқ ямоқ.
Кетар уят, кўтарилар юздан иссиқ,
Кўчадаги ҳар бир зина унга ёстиқ.
Пашша талаб ётганда ҳамма қочиб,
«Эсиз одам»,— деб ўтади кўнгли ачиб.
Шундайларга улфат бўлма ақлинг етса,
Доно улки, шу одамдан нари кетса.
Яхшиликка йўл кўрсатмас у бедаво,
Умр қисқа, уни ўтказ сен хушнаво.
Барча ёмон одатларнинг боши ароқ,
Зинхор унга яқин юрма, азиз ўртоқ.
Ўз умрингни сарф айлагил яхши ишга,
Ароқ ярар фақатгина бош ёришга.

Темур КАРИМОВ.

● ЖАҲОН ПРОГРЕССИВ АДАБИЁТИДАН

Гулавдас Брокер

Ғуломиддин — аравакаш

У тўла юзли, гулдай очилган чиройли киши эди, калта мўйлови уни бироз важоҳатли қилиб кўрсатарди; бошига ола-була салла ўраганди, энига кўйлак ва желатка, кенг шарвор кийганди; қўлида узун қамчи; бўйни йўғон, бақувват, овози эса жарангдор ва мардонавор эди. Мен унинг тонгасига* ўтиришим билан бу одам унчалик оддий одамлардан эмаслигини, ҳамкасб ошналаридан нимаси биландир фарқ қилиб туришини дарҳол ҳис қилдим.

Ўзимнинг ҳақ эканлигимга ишонч ҳосил қилиш учун кўп вақт далил кутишга тўғри келмади.

—Сиз ҳиндумисиз ёки мусулмонмисиз? — деб сўрадим тонга ўрнидан қўзғалиши биланоқ.

—Сиз қандай ўйлайсиз? — у кулиб саволимга савол билан жавоб берди.

—Мен қайдан билай? Бу ерда, Равалпиндида, аҳолининг кўпчилиги мусулмонлар. Шундай эмасми?

—Унчалик эмас. Бизнинг бу ерларда ҳинду ҳам, мусулмон ҳам йўқ, фақат бойлар ва камбағаллар бор.

—Сиз қайси бирига таллуқлисиз?

—Менми? Мен — камбағалларданман, — у кулди ва отнинг сағринига қамчи урди.

Мен бироз жим бўлдим.

—Сизнинг исмингиз нима?

—Ғуломиддин, — деб жавоб берди у илгариги табассум билан. — Менинг номимдан қандай одамлар орасида яшашимни билиб оласиз?**

*Тонга — ҳиндиларнинг одам олиб юриладиган, фойтунга ўхшаган аравраси.

**Бу ерда мусулмонлар орасида кенг тарқалган Ғуломиддин исмининг қул маъносини англатишига ишора қилинянти.

Мен ҳам кулдим ва янги савол бердим:

—Бу ерда жамоа тўқнашувлари тез-тез бўлиб турадими?

—Вақти-вақти билан бўлиб туради.

—Сиз уларда иштирок этганмисиз?

—Нега энди?

Биз бироз жим бўлдик. Кейин у ўз навбатида сўради:.

—Кашмирга боряпсизлармми, афандим?

—Албатта. Сиз у ерда бўлганмисиз?

—Бир марта бўлгандим. Менинг бутун оилам унга ўгирилиб қаради.

—Хўш, у ер қандай? —сўрадим мен.

—Ҳойнаҳой, чиройли бўлса керак?

—Ғоят чиройли! Ўйлайманки, оламда Кашмирдан гўзалроқ жой бўлмаса керак.

Икки минутча у Кашмир ҳақида гапирди, унинг боғлари, дарёлари, ирмоқлари ва абадий қор билан қопланган тоғ чўққиларини ҳаяжон билан эслади.

У қуйидаги сўзларни айтганида овози шавқ-завққа тўла эди:

—У ердаги аёлларни айтмайсизми! Улар жаннатдаги ҳур қизлардай гўзал! —Кейин бир хўрсиниб қўшимча қилди: — Лекин у ердаги қашшоқлик чидаб бўлмас даражада.

У йўлга тикилганча жим бўлиб қолди. Назаримда у маълум бир нуқтага тикилаётган эди. Мен ҳам у тикилган томонга қарай бошладим. Йўлда аёл борарди. Унинг фақат елкаси кўринибгина турарди. Аммо ғоят назокат билан қадам ташлаб бораётганидан, ундан кўз узиш қийин эди. У қордай оппоқ кўйлак ва шойи шаровар кийганди, елкасидан ошириб ташланган ва кўкрагида осилиб турган чиройли шарфининг учи унинг қадам ташлашини шу даражада латофатли қилиб кўрсатардики, гўдрон тўкилган кўримсиз йўл кутилмаганда кўзимга ҳаётга ва гўзалликка тўлиб-тошгандай бўлиб кўриниб кетди. Бирор минут ўтганидан кейин тонгамиз аёлга етиб олди. Ғуломиддин тизгинни чап қўлига олди ва майинлик сезилиб турган товушда, чуқур таъзим ва очиқ кўнгилли табассум билан деди:

—Салом алайкум!

—Ваалайкум ассалом! — аёл қўнғироқдай товуш биздан алик олди.

—Биз илгарилаб кетдик. Кўз ўнгимизда Равалпиндига олиб борувчи тўғри ва текис —мутлақо ҳунук ва кўримсиз йўл намоён бўлди. Мен аёлни қандайдир бир дақиқа кўра олдим, лекин қиррмизи олмадай юзлари, келишган қадди-қомати, ҳис қўзғайдиган нозик, гўзал лаблари, катта очилган жозибадор кўзлари ва унга хос бўлган мафтункорлик менда ўчмас таассурот қолдириши учун мана шу бир дақиқа етарли эди.

«Аравакашимиз, — романтик шахс бўлса керак», деб ўйладим мен. Биз ҳозироқ қувиб ўтган аёлга у қайриліб, зимдан разм солаётганини пайқаб қолдим. Назаримда, у қандайдир қарорга келган эди. Қутилмаганда у тонгани тўхтатиб, пастга сакраб тушди ва орқага қараб югуриб кетди.

—Улар ўртасида нимадир бўлса керак, — деди менинг хотиним.

—Аёл жуда гўзал экан,— жавоб бердим мен.

—Дада, у нега унинг олдига югуриб кетди?—деб сўради болаларимдан қайси биридир.

Биз лом-мим демасдан, уларнинг тонгага яқинлашиб келишаётганини кузатиб турдик. Аёлнинг лабларида табассум ўйнарди, бизнинг аравакашимиз эса шундай кўринишда эдики, гўё у аёлнинг марҳаматига сазовор бўлаётган эди. Тонгага бир неча қадам қолганида у яна югурди ва ўриндиққа сакраб чиқиб ўтириб олди. Тизгинни қўлга олгач, отни юргазди ва аёлга деди:

—Шундай қилиб эртага кечқурун, ўша эски жойда. Албатта келгин.

У енгил табассум билан жавоб берди, унинг ҳусни-жамолига ҳеч бир таъриф-тавсиф йўқ эди.

Маълум вақтгача йўлда от туёғининг тарақлаши эшитилиб борди. Олдинги ўриндиқда ўтирган ўғлим, хотиним ва бошқа болаларим — биз ҳаммамиз аравакашга айёрона қараб турардик. Унинг юзлари юмшаб, илгариги даҳшатлигини йўқотди. Лабларида майин табассум пайдо бўла бошлади. У отни жадаллаб, олдиндаги йўлга қараб борарди.

Ҳеч ким ҳеч нарса демасди — биз ҳаммамиз фақат аравакашга тикилиб борардик. Эҳтимолки, худди мана шунинг учун ҳам бироз вақт ўтганидан кейин у мен томон ўгирилишга мажбур бўлди.

—Афандим, сиз у аёлни кўрдингизми?

—Албатта. Хўш, нимайди?

—Бир пайтлар у менинг хотиним эди.

—«Бир пайтлар» деганингизни қандай тушунишим керак? У энди сизнинг хотинингиз эмасми?

Хотиним ва болаларимнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

—Йўқ. Мен у билан ажралишганман, — деди у.

—Нима сабабдан?

—Бу жуда узоқ тарих, афандим. Катта одамларга камбағалларнинг ҳикояларини эшитишнинг нима қизиғи бор.

—Камбағалларнинг ҳикоялари! Бу инсон зотининг ҳикояларидир. Бизлар ҳаммамиз инсонлармиз-ку. Ахир, шундай эмасми?

Менинг сўзларим, афтидан, унга маъқул бўлди.

—Тўғри, афандим. Аслини олганда, биз барчамиз инсонлармиз. Лекин менинг тарихим узун, эҳтимол, сиз учун зерикарли туюлар.

—Биз шаҳарни кўздан кечириш ҳаракатидамиз. Бунинг учун камида ярим соат кетади. Шундай экан, сизнинг тарихингиз нега зерикарли бўлар экан. Аксинча, биз уни ҳузур қилиб тинглаймиз.

—Менинг тонгам ва отим сизга маъқул бўляптими, афандим?

Менга бу саволнинг ўртада бўлаётган гапга ҳеч бир алоқаси йўқдай туюлди.

—Жудаям. Лекин бунинг сизнинг тарихингизга қандай алоқаси бор.

—Жуда бевосита алоқаси бор-да, — нима сабабдан-лигини, ҳозирайтиб айтиб бераман. Болалигимда ноқ мен бир нарсани —чиройли тонгам ва отим бўлишини орзу қилгандим. Тонга эскиб, отим қариб қолса янгисини оламан. Чиройли тонга, яхши от, қўлда узун қамчи — дунёда энг севганим мана шулар! Отам ҳам худди шундай эди. Бу нарса менга отамдан мерос қолган.

Аравакашимизнинг ота-бобоси билан нима ишимиз бор! Бизни унинг анаси аёлга бўлган муносабати қизиқтираётган эди. Бироқ мен бутун воқеани у баён қилиши бўйича эшитишга тўғри келишини сездим.

—Ҳа, — деб давом этди у, —отам ўқишимни истарди, лекин дим синфларда ўтириш менга маъқул эмасди. Мен ўн олти ёшимдаёқ зўр аравакаш бўлиб олдим. Отам менга ажойиб от, янги тонга сотиб олиб берди. Ўша пайтларда мен Равалпиндидаги энг ёш аравакаш эдим. Менинг тонгам ва отим шаҳарда энг яхши эди, ўзим эса жуда олифта эдим.

—Сиз ҳозир ҳам ёмон кийинмагансиз, — деб таъкидлаб қўйдим мен.

— Ҳозирми?—у ўзига нафратомуз бир назар билан қараб қўйди,—Бе, шу ҳам кийиниш бўлибтими! Мен у пайтларда ҳақиқатдан ҳам жуда ажойиб кийинардим. Йўлда кўрганимиз, анаги аёлнинг исми Ойша. Унинг отаси бой савдогар эди. Отаси уни ўқишга юборишга қарор қилганида биз ҳали бир-биримизни билмас эдик. Мен айни ўн етти ёшда эдим. У мени қизини эрталаб ўқишга олиб бориб, пешинда олиб келиш учун ёллади. Ойша у пайтда энди ўн бир ёки ўн иккига кирганди.

Дастлаб Ойшани хизматкор аёл кузатиб юрди, мени яхши билишганидан кейин эса, менга кўпроқ ишонадиган бўлиб қолишди. Бир йил ўтмасданоқ, мен уларнинг оила аъзосидай бўлиб қолдим. Хизматкор аёл энди Ойшани кузатмасди — уни ўзим мактабга олиб бориб, олиб келадиган бўлдим. Йўлда биз тинмай гаплашиб борардик.

—Нима ҳақда? —сўрадим мен.

—Ҳа, шундай, ҳамма нарса ҳақида, — у жилмайди.— Бошида шундай бўлди. У ёшга етганидан кейин эса суҳбатларимиз ҳам бошқача бўлиб қолди. Юрагимда ишқ алангаси пайдо бўлди... Унда ҳам худди шундай бўлди, — деб қўшимча қилди у бир оз сукунатдан кейин. Аравакашимиз йўталиб, атрофга назар солди. Олисда дарахтлар кўринди. У дарахтларни қамчи билан кўрсатди:

—Кўряпсизми, афандим! Бу Кошлани боғи. Бир оздан сўнг биз ўша ерда бўламиз.

—Кейин нима бўлди? — Мен Ойшанинг бутун тарихини билишга шошаётгандим.

—Нима ҳам бўлиши мумкин? Биз бир-биримизни севиб қолдик.

У жим бўлди, кейин, бир оз сукунатдан кейин қўшимча қилди:

—Ўша пайтда Ойша қандай эканлигини билсангиз эди, афандим! Ҳусида арши аълодаги ҳур қиз ҳам у билан тенглаша олмасди. У расмдагидай яхши эди. —У Ойшанинг ҳусни-жамолига маҳлиё бўлгандай яна жим бўлиб қолди. Тонга йўлда жадал илгарилаб борарди.

—Ҳа, у гўзал. Ҳақиқатда ҳам жуда гўзал, — дедим мен тасдиқлаб.

—У ҳозир ҳам яхши. Лекин у пайтда ундан кўз узиш мушкул эмасди. Бутун шаҳардагилар уни кўрганда эҳ-ҳушларини йўқотишарди. Мен ҳам шундай бўлардим. Унинг товушида бирдан ҳижолатлик оҳанги сезилди. — Ахир, мен ҳам чакки эмасдим-да. Биз бир-биримизни мажнунона севдик.

—Ойшанинг ота-онаси бунга билармиди?

—Ҳа, билишарди. Шунинг учун ҳам Ойша ўн бешга кирганида, уни мактабга юбормай қўйишди. Лекин унинг мен билан учрашиб туришини тақиқлаш мумкин эмасди. Албатта, бизнинг турмуш қуришимизга ғўрда розо бўлишармиди? Бир куни мен бу ҳақда Ойшанинг отаси билан гаплашишга ҳаракат қилгандим, лекин фақат ҳақорат эшитдим.

Ойшанинг ота-онаси турмуш қуришимизга қарши эди, аммо биз эса ортиқ айрилиқда яшай олмасдик. Кунларнинг бирида биз ҳамма пулларимизни ва қимматбаҳо буюмларимизни олдиму, яширинча Равалпиндидан жўнаб кетдик...

Биз ҳикояни дамимизни ичимизга ютиб эшитардик. Менинг қичик ўғлим аравакашга даҳшат ва қизиқиш билан тикилиб қолди, хотиним эса менга нозик табассум ҳадя қилди.

—Сизлар қаёққа кетдинглар? — сўрадим мен.

—Лиябурга. Биз у ерда бир неча ой бахтиёр яшадик, — пулимиз бир йилга етарли эди. Мен ҳар куни иш қидиргани кетардим. Лекин, ўша пайтда иш топиш унчалик осон эмасди.

(Давоми бор).

ФУТБОЛ

«ҚАЙРАТ»НИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

Бугун

мамлакатимизнинг турли шаҳарларида «А» класс биринчи группа командалари ўртасида футбол бўйича СССР биринчилигининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтади.

Вильнюсда бўладиган «Жальгирис» — «Қайрат» (Олмаота) учрашувини ҳисобга олмаганда, қолган ўйинларда турнир пешқадамлари аутсайдерлар билан учрашадилар. Жумладан, СССР Кубогининг эгаси — «Карпати» (Львов) ўз майдонида Душанбенинг «Помир» командасини «Днепр» (Днепропетровск) — Ашхободнинг «Строитель» командасини қабул қилади. «Металлист» (Харьков) — «Текстильщик» (Иваново), «Локомотив» (Тбилиси) — «Локомотив» (Москва) учрашувлари ҳам футбол ишқибозларида катта қизиқиш уйғотса керак. Қолган ўйинларда «Молдова» (Кишинев) — «Олга» Фрунзени, Киев армиячилари — Қозоғистон кончиларини, «Даугава» (Рига) — Хабаровск армиячиларини, «Динамо» (Ленинград) — «Волгарь» (Астрахан)ни, «Рубин» (Қозон) —«Уралмаш» (Свердловск)ни қабул қилади.

Шуни айтиш керакки, пешқадамлар бу турда ҳам ўз майдонларида ўйнайдилар. Агар аввалги турдаги 11 учрашувнинг ўнтасида майдон эгалари ғалаба қилганини ҳисобга олсак, бу тур пешқадамлар сафига айтарлик ўзгариш киритмаса керак.

Ўтган турда «Карпати» футболчилари «Строитель» командаси устидан йирик ҳисобда ғалаба қозондилар. Украин футболчилари киритган беш тўпга туркманистонликлар бир тўп билан ҳам жавоб беролмадилар.

«Қайрат» футболчилари эса ғайратни тобора оширмоқдалар. 10 турдан бери мағлубиятга учрамаётган Қозоғистон футболчилари сафарда навбатдаги ғалабани қўлга киритишди. Бу сафар улар «Даугава» командаси устидан 1:0 ҳисоби билан ғалаба қозондилар. Ўйин тақдирини ҳал қилган ягона тўпни учрашувнинг 35-минутида С. Рожков киритди. Сўнгги 10 ўйиндан 17 очко тўплаган «Қайрат» бой берилган очколар жиҳатидан турнир пешқадами билан тенглашиб олди.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Металлист» —«Крылья Советов»— 3:1, «Днепр»— «Олга» — 2:0, «Рубин»— «Волгарь»— 1:0, АСК (Киев) —АСК (Хабаровск) — 3:0, «Кубань» — «Локомотив» (Москва) — 2:1, «Молдова» — «Памир» — 2:0, «Жальгирис» —«Шахтер» (Қараганда) — 2:1, «Уральмаш» — «Динамо» (Ленинград) — 3:1, «Локомотив» (Тбилиси) — «Текстилщик» (Иваново) — 2:1.

Қуйида «А» класс биринчи группа командаларининг 10 июлга қадар бўлган аҳволи қайд қилинган турнир жадвали билан танишинг:

* * *

	У	Ю	Д	М	Т.Н	О
«Карпати»	18	9	7	2	25-8	25
«Днепр»	17	10	5	2	20.5	25
«Қайрат»	17	9	5	3	28-11	23
«Металлист»	17	7	9	1	23-11	23
«Локомотив» М.	17	8	5	4	16.10	21
«Кр. Советов»	17	8	4	5	17-11	20
АСК Х.	18	5	9	4	11.8	19
«Текстильщик»	17	6	6	5	15-18	18
«Жальгирис»	17	5	7	5	18-14	17
«Молдова»	17	5	7	5	14-10	17
«Шахтёр» Кр.	17	6	5	6	18.18	17
«Рубин»	17	6	5	6	11-16	17
«Уралмаш»	17	7	3	7	15.24	17
АСК К.	17	7	2	8	22-18	16
«Кубань»	17	5	6	6	11-14	16
«Помир»	17	4	5	7	15-19	15
«Волгарь»	17	5	4	8	15-18	14
«Локомотив» Тб.	17	6	2	9	16.19	14
«Динамо» Л.	17	4	5	8	18-27	13
«Олга»	17	4	4	9	11.22	12
«Даугава»	17	3	6	8	11-23	12
«Строитель»	17	2	1	14	8-34	5

Редактор ўринбосари М. КАРИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Кино

11 ИЮЛДА
ҚИШКИ ВИНОДА

Яшасин севги! — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч 7.20 минутда).

Уч ёқлама текширув—«СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Онам эрга тегди— «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (кечқурун), «МОСКВА» (кеч 9 да).

Қора лола—«ДРУЖБА» (кечқурун).

Спартак — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Халоскорлик—«МОСКВА» (кеч 6 да).

Графиня Коссель — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6 ва 8.45 минутда).

ЕЗГИ ВИНОДА
(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Уч ёқлама текширув—«ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Онам эрга тегди— «ХИВА».

Шантеклер маликаси—«РАКЕТА».

12 ИЮЛДА
ҚИШКИ ВИНОДА

Яшасин севги!—«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «САНЪАТ САРОЙИ» (кундуз соат 12 да), НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва кеч 7.20 минутда).

Уч ёқлама текширув—«СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Онам эрга тегди— «ЧАЙКА» «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 4 ва кеч 9 да).

Қора лола — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Спартак — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Халоскорлик —«МОСКВА» кундуз соат 1 ва кеч 6 да).

Графиня Коссель —«САНЪАТ САРОЙИ» (кундуз соат 3, кеч 6 ва 8.45 минутда).

ЕЗГИ ВИНОДА

Уч ёқлама текширув —«ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Онам эрга тегди—«ХИВА».

Шантеклер маликаси—«РАКЕТА».

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

2 АВГУСТГАЧА

ФИГУРАЛИ УЧИШ БЎЙИЧА
ЖАҲОН ВА ЕВРОПА БИРИНЧИЛИГИ ҲАМДА ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ КУМУШ МЕДАЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

ТАТЬЯНА ЖУК
ВА
АЛЕКСАНДР ГОРЕЛИК

ИШТИРОКИДА

«МУЗ УСТИДА ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ

Шунингдек А. МАЙОРОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«ХОККЕЙ ЎЙНОВЧИ АЙИҚЛАР»

ҚАТНАШАДИЛАР

Билетлар сотилмоқда.
Справкалар учун телефонлар: 44-61.54, 44-50.12.

Ленин комсомоли номли Марказий маданият ва истироҳат боғида

11, 12 ИЮЛДА

(кураш майдонида)

ҚУҚОНЛИК ЕШ, ХУШОВОЗ ҲОНАНДА

Назиржон НАЗАРОВ,

МАРҒИЛОНЛИК СЕВИМЛИ ҲОНАНДАЛАР ОПА-СИНГИЛ

ДИЛОРОМХОН ва РИСОЛАТХОН ЗОКИРОВАЛАР

ТОШКЕНТЛИК ҲОНАНДАЛАР: Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Шомурод ФАРМОНОВ, Рустамжон ХОЛИҚОВЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

Радио

12 ИЮЛЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.45** «Мактаб ва жамоатчилик» (ўзбекча). **8.25** Янги ёзиб олинган асарлардан концерт. **9.30** Шарқ куйлари. **10.10** «Табассум» радиожурнали. **11.35** Халқ талантлари концерти. **12.15** «Эрталабки салом» (Москва). **13.30** Республика балиқчилари учун концерт. **15.00** Балиқчилар кунига бағишланган эшиттириш ва концерт. **16.10** Ҳ. Олимжон. «Зайнаб ва Омон» поэмаси асосида радиопостановка. **17.40** Экран янгиликлари.

18.00 «Мусиқали глобус». **18.40** И. Штрауснинг «Вена қони» оперетасидан парчалар. **19.20** Рақслар. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** «Мамлакат ва қитъаларда» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун концерт. **22.20** «Табассум» радиожурнали. Таклорий эшиттириш. **23.20** Кечки концерт. **24.00** Лирик қўшиқлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Совет композиторларининг қўшиқлари. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19.30** Н. А. Обухова куйлайди. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21.00** Пахта далалари меҳнаткашлари учун концерт. **21.30** «Ленинома» программаси (русча).

Телевизор

11 ИЮЛЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Студентлик — олтин даврим». **19.00** Телевизион янгиликлар. **19.10** Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. **19.50** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Баскетбол бўйича СССР биринчилиги. «ЖАЛЬГИРИС» (Вильнюс)—«ДИНАМО» (Москва). **21.40** «Узоқ шарқда». Телефильм. **22.10** «Гаровга тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси. **23.15** «Вақт» информацион программаси. **23.45** «Қалтис жойда». Фильм-спектакль. **01.35** Концерт. 02.50 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ

18.15 П. И. Чайковский номли IV Халқаро конкурси қатнашчиларининг концерти. **19.05** Ярим аср йилномаси. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. «1942 йил».

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида:

20.00 «Физкультура ва спорт». Тележурнал. **20.40** Лирик концерт. **21.20** «Унинг ҳаётдан мақсади». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТАДИ

Рус тилида: **18.00** Экран—болаларга. **19.00** Янгиликлар. **19.15** Заводнинг бугун ва эртаси. **19.35** «Кичик шаҳзода». Бадиий фильм.

Тожик тилида: **20.45** Ленин васиятларига содиқмиз. **21.00** Оқшом эртаклари. **21.10** Сиз севган куйлар. **22.00** Янгиликлар. **22.15** Телевизион миниатюралар театри. «Табассум» чойхонаси.

12 ИЮЛЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: **10.00** Телеспектакль. **11.10** Болалар учун мультфильм.

Узбек тилида: **11.40** «Зангори Лаҳтин» капитанлари». Бадиий фильм. **12.50** Севимли шоирларингиз. ҲАМИД ОЛИМЖОН. **16.55** Кўрсатувлар программаси. **17.00** Бугун—балиқчилар куни. **17.25** Балиқчилар учун концерт.

17.55 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **18.25** «ЭКРАН ХАНДАСИ». Кинопрограмма (такрорий кўрсатув). **19.05** «АХВОРОТ» информацион программаси. **19.35** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қизлар даврасида. **20.35** «Адам ва Хева». Кинокомедия (рус тилида). **21.45** «Галлакорларнинг меҳнат рапортлари». **22.00** «Боғу баҳорим ўлкам». Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

10.00 Абитуриентлар учун. Физика (ўзбек тилида). **11.00** Абитуриентлар учун. Физика (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

12.00 Кўрсатувлар программаси. **12.05** Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. **12.15** Янгиликлар. **12.30** Балиқчилар кунига бағишланган эшиттириш. **13.00** Музикали киоска. **13.30** «Этальон». Тележурнал. **14.00** Қишлоқ меҳнаткашларига. **14.30** Интервидение. «Июль сюитаси». **15.00** Рангли телевидение. «Қирол қайиқчилари». Бадиий фильм. **16.25** «Санъат оламида». **16.55** Интервидение. Ўқувчилар учун эшиттириш. ГДРдан олиб кўрсатилади. **17.55** Янгиликлар.

18.00 Совет Армияси ва флоти жангчилари учун. **18.30** Интервидение. «Рус музейи билан учрашувлар». **19.00** Рангли телевидение. «Баранкин, одам бўл». Москва оперетта театрининг спектакли. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Рангли телевидение. «Киносаёҳатчилар клуби». **22.00** Концерт. **22.45** «Гаровга тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси. **23.45** «Етти кун». Халқаро программа. **00.15** Концерт. **01.30** Мотопойга бўйича жаҳон биринчилиги. **02.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

Қирғиз тилида: **17.00** Экран—болаларга. **17.20** Телефильм. **18.20** Бадиий ҳаваскорлар концерти. **19.20** Жаҳон ҳафта ичида. **19.35** Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: **19.40** «Ўғрилар». Телефильм. **20.30** Эфирда «Куйлар». **21.40** «Тоғли дара фожиаси». Бадиий фильм. **23.00** Кўрсатувлар программаси.

Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Ф. Энгельс номли 44 сон ўрта мактаб томонидан Ассоев Ҳасанбой номига берилган 068567 номерли йўқолган.

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент оқшоми 4 бет. 11 ИЮЛЬ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579
НАШР 3050.
Р—00812.